8 (560)-сон — 111 — 111-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ БУЙРУГИ

111 Ўзбекистон Республикаси фукаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш коидаларига (ЎзР АҚ-160) ўзгартириш киритиш тўгрисида

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-5

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 90-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг туплами, 2004 й., 2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси турисидаги низомга мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидаларининг (ЎзР АҚ-160) (рўйхат рақами 1734, 2007 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 44-сон, 448-модда) 7¹-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«доимий мониторинг ўтказиш ва лозим даражада парвозлар хавфсизлигига мунтазам бахо беришни кўриб чиқиш масалалари, аникланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур бўлган чораларни кўриш мақсадида авиация ходисалари ва инцидентлари хамда тегишли тенденциялар тахлили;».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлик Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 5 февраль, 16н-сон

